

**УДК: 63.636.638**

**Жонибек Фарманов**

**Катта ўқитувчи**

**Иқтисодиёт факультети**

**Қаршии муҳандислик-иқтисодиёт институти, Ўзбекистон**

## **АСАЛАРИЛАР ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ: БАРҚАРОР**

### **АСАЛАРИЧИЛИККА ЯНГИ ЁНДАШУВЛАР**

**Аннотация:** Ушбу мақолада бугунги глобал иқлим ўзгариши шароитида асаларичилик тармоғини самарали ташкил этишга таъсир қўрсатаётган тизимли муаммолар таснифланган ҳолда уларни ечимиға қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар:** асаларичилик, асал етиштириш, тармоқ, иқлим ўзгариши, муаммо, тизим, хусусият, жиҳат, ресурс

**Жонибек Фарманов**

**Старший преподаватель**

**Факультет Экономика**

**Каршинский инженерно-экономический институт, Узбекистан**

## **ПЧЕЛЫ И ИЗМЕНЕНИЕ КЛИМАТА: НОВЫЕ ПОДХОДЫ К УСТОЙЧИВОМУ ПЧЕЛОВОДСТВУ**

**Аннотация:** В данной статье представлены научные предложения и практические рекомендации, направленные на их решение, классифицированы системные проблемы, влияющие на эффективную организацию пчеловодческой сети в условиях современных глобальных изменений климата.

**Ключевые слова:** пчеловодство, производство меда, сеть, изменение климата, проблема, система, особенность, аспект, ресурс.

Бугунги кундаги глобал иқлим ўзгариши, хусусан, ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши фонида дунёда йирик экологик муаммолар юзага келмоқда.

Дунёга хавф солаётган бундай муаммолар Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Жойларда сув танқислиги натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарали ташкил этиш мураккаблашмоқда. Бу ҳолат эса ўсимлик дунёси учун мақбул ҳароратни ва сув ресурсларига бўлган талабни меъёрлар даражасига таъминланмаслиги натижасида экинлар ўсиши ва ривожланишига ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Натижада асаларичилик тармоғида озуқа таъминотининг микдори ва давомийлиги камаймоқда.

Асаларичилик тармоғида ишлаб чиқариш жараёни табиий-икклим шароитларига ўта боғлиқлиги, тармоқда мавсумийлик хусусиятлари кучлилиги, унинг депрессив ҳолати, ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларнинг модернизациялашмаганлиги ва диверсификациялашмаганлиги, меҳнат ва моддий харажатларнинг юқори даражадалиги ўрганилаётган тармоқнинг иқтисодий ўсишига ижтимоий-иктисодий таҳдидларни келтириб чиқарди.

Асаларичилик тармоғида ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш бевосита саноат маҳсулотларининг нархига ва уларнинг сифат стандартларига мос келишига боғлик бўлганлиги туфайли тармоқ рақобатбардош эмас. Шунинг чун ҳам асаларичилик тармоғи озиқ-овқат таъминоти тизимиға етарли даражада интеграциялашмаган.

Шу боисдан ҳам, асаларичилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг устувор йўналишларини аниқлаб олиш ва ҳар бир йўналиш кесимида рағбатлантириш дастакларини ишлаб чиқиш объектив зарурят ҳисобланади.

Асаларичилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишини давлат томонидан тартибга солиш соҳанинг самарали ривожланишига таъсир кўрсатиш усуллари ва воситаларини ўз ичига олган механизм сифатида кўриб чиқилиши керак. Бунда қуйидагилар назарда тутилиши зарур: тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таркиби ва тузилиши; давлат харидларини ташкил этиш; саноат субсидиялари; ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини

назорат қилиш; асаларичиликни илмий таъминлаш; ихтисослашган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш; асаларичиликнинг соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спортга таъсири; асаларичилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларини солиқ билан тартибга солиш; тармоқни стратегик бошқариш ва унинг ташқи иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш.

Ушбу масалаларда иқлим ўзгариши шароитида асаларичилик тармоғини ривожлантиришнинг мазкур йўналишлар доирасида яхлит ҳолда ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, экологик манфаатларнинг мувозанатлашган нуқтасини топиш долзарб масала ҳисобланади. Шу боисдан ҳам соҳага бозор муносабатларининг қарор топиши билан биргаликда, давлатнинг доимий равиша ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий ҳамда иқтисодий масалаларга аралашувлари талаб этилади.

Асаларичилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мазкур йўналишлари ичida иқтисодий дастаклар орқали қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, олиб борилган монографик тадқиқотлар ва ижтимоий сўровномалар ҳамда кузатувлар натижасида асаларичиларни қийнаб келаёган, уларнинг фаолият самарадорлигига ўз салбий таъсирини ўтказиб келган бир қатор муаммолар борлиги маълум бўлди.

Бундай муаммолар сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Асаларичилик тармоғида наслдор сермаҳсул, табиий хусусиятларимизга мос келадиган ари зотларининг оммалашмаганлиги, мавжудларини эса сақлаб қолишидаги қийинчиликлар, наслчилик хўжаликларини етарли даражада эмаслиги ва уларнинг талаб ва стандартлар асосида фаолият олиб бормаётганлиги, бунинг учун давлат назорати ва кўмаги остида фаолият юритаётган илмий-тадқиқот институтларининг мавжуд эмаслиги.

2. Асаларичилик субъектларида айниқса эрта баҳорда (феврал-май ойларида) табиатдан келаётган шира миқдори етишмаслиги натижасида ариларни қўшимча озуқа билан етарли даражада таъминлашдаги муаммолар. Бу

муддатда аричиларга шакар харид қилиши учун маблағ етишмайди. Асаларичини ўтган йиллардан қолиб кетган маҳсулоти бўлган ҳолатда ҳам унинг харидори аниқ бўлмаслиги сабабли, улгуржи харидорлар эса жуда паст нарх таклиф қилиши натижасида асаларичи асални сотмаслиги туфайли шакар харид қила олмайди. Бундай ҳолатда эса асаларичи ариларга шакар етишмаслиги сабабли қўшимча озуқа бериш муддатини узайтиришга мажбур бўлади. Бу ҳол эса она ари томонидан айнан уруғлаш мавсуми фаол бўлган муддатда уруғ қўйиш миқдорига таъсир қиласи. Натижада асалари оиласи яхши ривожланмай қолади. Бу ҳол бевосита якуний ҳосил миқдорига таъсир қиласи. Мазкур ҳолат маҳсулот таннархини ошиб кетишига олиб келади.

3. Тадқиқотлар натижасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки асаларичилик тармоғидаги касаллик ва ҳашоратларга қарши ишлов бериш учун аниқ бир тизим мавжуд эмаслиги, асаларичиларга аниқ бир касаллик тури ва унга қарши ишлаш бўйича ветеринар шифокор кўрсатмаси берилмаслиги натижасида ҳар доимгилик ветеринария дорихона сотувчилари томонидан тавсия қилинган дорилар орқали ишлов берилади. Мутахассис ветеринар шифокор томонидан 4-5 та ари оилалари яхшилаб ўрганилиб чиқилиб, касалликни аниқ белгиларидан келиб чиқиб ташхис қўйилмаганлиги туфайли аксарият ҳолларда асаларилар нобуд бўлишига олиб келмоқда.

4. Маълумки, табиатдан шира келишига қараб асаларичилар ариларни бошқа худудларга (туман, вилоят, республика) қўчириб олиб юришади. Лекин тармоқ фаолиятини тартибга солиш ва бошқаришдаги ҳуқуқий механизмларнинг аниқ эмаслиги натижасида тегишли ташкилот ва маҳаллий аҳоли томонидан асаларичиларни ширага бой бўлган жойларга бориб эркин жойлашишига тўсқинликларга дуч келмоқда. Ваҳолангки шу худудда фаолият юритаётган кластер ёки фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини чанглатиб берганлиги ва уни сифатини ҳамда ҳосилдорлигини ошириб берганлиги учун асаларичини экин майдонлари атрофига келиб жойлашишини рағбатлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Лекин

амалиётда тескари механизм ишламоқда. Яъни асаларичилар асаларисини кластер ёки фермер худудидаги дала майдонлари атрофига олиб бориб қўйса, ер эгасини рағбатлантирумоқда. Бу ҳисоб китоб аксарият ҳолларда натура асал кўринишида амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда ушбу кластер ёки фермер хўжалиги бошқа асаларичиларни ҳам шу майдонга киришига рухсат бериш ҳолатлари ҳам кўп учрайди. Бу ҳол эса асаларичи учун катта ноқулайликларни ҳамда иқтисодий жиҳатдан қўшимча сарф харажатларни келтириб чиқаради. Бундай ҳолатда асаларичи бошқа жой қўриши ва тезда кўчиб чиқиб кетиши шарт бўлади. Шу билан биргаликда кластер ва асаларичи ўртасидаги интеграцион алоқалар, томонларнинг тенг манфаатлари асосида келишувлар бўлмаганлиги сабабли пахтага захарли моддалар қўлланилишини олдиндан огоҳлантирумаслиги натижасида асалариларни нобуд бўлишига олиб келади. Бу ҳолат эса асаларичига арилар сонини камайиб кетишига, айrim ҳолларда тўлиқ нобуд бўлишига олиб келган ҳолда жуда катта иқтисодий зарар келтиради.

5. Шунингдек, ўрганилган асаларичилик субъектларининг 97,4 фоизи асалари уяларини ўсимлик тури ва шира келишига қараб камида 150 км масофа атрофида, аксарият хўжаликлар эса 1000-2500 км масофа оралиғида кўчириб олиб юришига тўғри келади. Бундай ҳолатда аксарият асаларичилик субъектлари ёлланма транспорт воситаларидан фойдаланиши, улар томонидан кўрсатилаётган хизмат нархлари жуда юқорилиги, нахт кўринишдаги маблағ этишмаслиги натижасида аксарият ҳолларда бундай ҳисоб китоблар натура кўринишида бозор баҳосидан 35-50 фоиз паст бўлган баҳода асал бериш орқали амалга оширилиши аниқланди. Асалари павилионларини кўчириш ишлари қуннинг тунги қисмида кечаси арилар уяларига қайтиб кирганидан сўнг амалга оширилиши ҳам алоҳида қўшимча ресурсларни талаб этади.

6. Сўровнома натижалари ва монографик тадқиқотларга асосланган ҳолда шуни айтиш жоизки, асаларичилик тармоғида фаолият юритаётган асаларичилар асаларичилик бўйича аниқ маълумотга эга эмаслиги ҳам

тармоқни ўзига хос бўлган хусусиятларидан келиб чиқиб илмий жиҳатдан ёндашилмаганлиги ва аксинча узоқ йиллик тажрибаларга асосланган ҳолда фаолият юритаётганлиги натижасида бугунги глобал иқлим ўзгариши анамал совуқ ва иссиқ об-ҳаво таъсирида, ҳамда ўсимликларнинг ҳашорат ва зараркунандаларига қарши ишлов бериш мақсадида гербицид, фунгицид ва пестицидлардан фойдаланган вазиятда қандай йўл тутиш кераклиги каби масалалар бевосита тармоқда малакали мутахассисларни етишмаслигини кўрсатмоқда.

7. Шунингдек, тармоқнинг энг асосий муаммоларидан бири бу етиштирилган маҳсулотни сотиш масаласи ҳисобланади. Монографик тадқиқотлар ва сўровномлар натижасидан келиб чиқиб айтиш керакки айrim асаларичиларнинг 8-10 йиллик маҳсулотлари сотилмай турган бўлса, айrim асаларичилар айланма маблағ етишмаслиги ва оиласдаги бирламчи эҳтиёжларни таъминлаш мақсадида ўз етиштирган маҳсулотларини улгуржи сотувчиларга бозор баҳосининг 50 фоиз қисмидан баланд бўлмаган нархда сотишга мажбур бўлишади. Бунинг асосий истеъмолчилари туман (шахар) марказидаги деҳқон бозорларига чакана савдо билан шуғулланувчи тадбиркорлар ҳисобланади. Улар асаларичилардан айнан мавсум даврида асалари маҳсулотларини улгуржи нархларда харид қилишади ва бозорларда чакана савдо билан шуғулланишади. Бу муаммо айниқса асаларичилик билан шуғулланишни бошлаган янги ҳаваскор тадбиркорлар учун самарали фаолият юритишига катта тўсқинлик қилмоқда. Сабаби узоқ йиллардан буён асаларичилик билан шуғулланиб келаётган тажрибали аричиларнинг тармоқ маҳсулотларини харид қилиб олиши учун олдиндан шаклланган мижозлари мавжуд. Бироқ асаларичилик тармоғига инвестиция киритиб фаолиятини 1-2 йил олдин бошлаган ҳаваскор асаларичилар учун маҳсулотни сотишдаги муаммолар туфайли ва ари парваришидаги мавсумий машақкатлар сабабли тадбиркорликнинг осонроқ даромад олиб келадиган бошқа турига ўтиб кетишига сасаб бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда асаларичилик тармоғини ривожлантириш учун юқорида таъкидлаб ўтилган ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдаги муаммоларни тизимли ҳал қилиниши тармоқни барқарор ривожлантириш асосида аҳолини табиий асал, саноат корхоналарини эса хом ашёга бўлган талабини доимий қондириш имконияти вужудга келади.

#### **Адабиётлар:**

1. Броварський В., Суярқұлов Ш. Асалариларни кўпайтириш ва парваришлиш // Дарслик, -Т.: Baktria press, 2021. -432 б.
2. Аҳоли хонадонларида асалари уялари парваришлиш бўйича технологик тавсиялар. Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши. –Т.: 2022 й. -14 б.
3. Худайбердиевна, Д. М. (2022). Классификация Сельскохозяйственных Рисков. Central Asian Journal of Innovations on Tourism Management and Finance, 3(4), 1-7. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/FESKQ>
4. Dustova M., Ochilova S. Foreign experience of financial support of agricultural enterprises //The Innovation Economy. – 2023. – Т. 1. – №. 02. – С. 79-86.
5. Махмутуллаева, С. (2023). Стратегическая логистика для успеха экспорта: путь к экономическому процветанию. Бюллетень педагогов нового Узбекистана, 1(9), 19–22. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/yopa/article/view/20139>
6. Omanov R. F. et al. Digitalization Of The Economy: Possible Benefits And Risks //Webology. – 2022. – Т. 19. – №. 2